



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 24 апрель, № 83 (8978)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 23 апрель куни ташриф билан Ўзбекистонга келди.



Тантанали равишда икки мамлакат байроқлари билан безатилган Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов биргаликда Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатдилар.

Қабрга гуллар қўйилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ва Туркман халқининг миллий етакчиси биргаликда “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуаси ҳудудида ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этдилар.

Олий мартабали меҳмон халқимизнинг бой маданий меросини акс эттирувчи кўргазмалар, хунармандчилик ва амалий санъат намуналари билан танишди. Рақс жамоаларининг чиқишларидан иборат маданий дастур намойиш этилди.

Ташриф дастурига мувофиқ икки томонлама учрашув ўтказиш кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Россия дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш нўқтаи назаридан янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишларда фаол мулоқотлар ва сер-

маҳсул алмашинувлар олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми ошмоқда. Худудлар ва етакчи саноат корхоналарининг кооперацияси кучаймоқда. Маданият, санъат, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Сенат қўмитасида

21 — 23 апрель кунлари Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда халқаро Ер куни муносабати билан бир қатор семинар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

ОНА ЗАМИНИМИЗ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Халқаро Ер куни доирасида ер деградациясига қарши курашиш бўйича инновацион ёндашувлар муҳокама қилинди

Тадбирларда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, олим ва мутахассислар, халқаро экспертлар иштирок этди.

Хусусан, “**Ерлар деградациясига қарши курашишнинг интенсив ва инновацион ечимлари, ер ресурсларидан фойдаланишни рақамлаштириш**” мавзuidaги халқаро илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз учун ер ресурслари энг асосий табиий бойлик ҳисобланиши ва ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш умуммиллий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда қайд этилишича, глобал миқёсда ҳар йили 7-8 млн. гектар ҳосилдор ерлар деградацияга учрамоқда. Ўзбекистонда айрим ҳудудларда гумус миқдори 40 — 50 фоизгача камайган, бу эса ту-

рқнинг биологик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра бугунги кунда дунёда 1,3 млрд. гектардан кўп ер майдонлари деградацияга учраган. Шунингдек, ҳаҳон бўйича ҳар йили 24 млрд. тонна ҳосилдор tuppoқ йўқолмоқда, бу эса озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таҳдид соляпти.

Бу борада ер ислохотларини жадаллаштириш, ер муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш, яйловлар деградацияси олдини олиш, иклим ўзгаришига қарши курашиш, ерларнинг ҳисобини юритишни такомиллаштириш бўйича тегишли қонунлар қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан мунтазам ишлар олиб бори-



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА РАҚОБАТСИЗ САВДОЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш, рақобатсиз савдолар ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилаётган битимларни қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси мутасаддилари иштирокида эшитув ташкил этилди.

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров кириш сўзида Президентимиз раҳбарлигида барча соҳада ҳаётий ислохотлар давом эттирилаётгани ҳамда тараққиётга ғов бўладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

қарори ушбу иллатга барҳам беришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳужжатлар ижроси парламент, давлат ташкилотларидан тортиб фуқаролик жамияти институтлари зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди.

Йиғилишда давлат харидлари тизимида рақобатсиз савдолар ва коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Гулнора Раҳимованинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат харидлари йўналишида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобати савдоларни амалга оширишга қаратилган тизимли ислохотлар рўёбга чиқарилмоқда.



Юртимиз бўйлаб...

АВЛИЁЛАР ДИЁРИ, АЛПЛАР ЮРТИ — БУХОРО!

1

Энг қадим кентларнинг пири — Бухоро, Шариф шаҳарларнинг дури — Бухоро.

Даҳолар маскани, “Тангри жамоли”, Ислол оламининг нури — Бухоро!

Бухоро... 1997 йилда 2500 йиллик юбилеи нишонланган, вилоят сифатида 1938 йилда ташкил этилган дейилса-да, Милоддан аввалги минг-минг йилликларга туташиб кетгандир унинг илдизлари.

Хитойча Бухэ, Бухала; арабча Бумижкат, Фахира; турк-мўғулча Бухор (“ибодатхона”); сўғдийча “Буг” (“Тангри”) ҳамда “оро” (“жамоил”), яъни “Тангри жамоли” каби нодир исмлар билан аталган бу қўтлуғ шаҳри азиямининг номини шўнчаки тилга олиб бўлмайди. Аввал покланиб, сўнгра тўрт томонида тоғдай қўр тўкиб турган етти Пирга таъзим қилгандан кейингина лозим кўрилади унинг остонасига қадам қўймоқ.

Ер юзидagi юзлаб шаҳарларнинг бири эмас — Ўрта асрлардаёқ Макка, Мадина, Куддус, Бағдод, Дамашк, Мозори-Шариф каби “Шариф” унвонига сазовор бўлган жаҳондаги етти муқаддас қасрнинг Пири ҳисобланади у. “Малик ул-калом” номини олган Абу Абдуллоҳ Рудакий, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, алломалар Наршахий, Ибн Сино, Дақикий, Балъамий, Абдуҳолик Фихдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Носир Бухорий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Мушфикий, Турди Фароғий, Аҳмад Дониш каби не-не мўътабар зотларнинг излари бор Бухоронинг тор кўчаларида. Тупрогининг ҳар зарраси кўзаларга тўтиё, Минораи Калон, Масжиди Калон, Чор Минор, Мир Араб каби булутларга ёндош минораю мадрасаларининг ҳар гишти беадок достон, ҳар бўёғи афсонавий чаманзор бог.

Кўчалар муюлишидаги мўйсафид тутлар, ўйчан толу гу-жумлар барҳаёт бахшилар мисоли боболаримизнинг олис армонларидан, Спитамен наъраси, Маҳмуд Торобий хай-қирғи, сарбадорлар қиличчининг жаранглари, эрк-озодлик йўлида курашган шавкатли аждодларимизнинг бирда шодон, бирда вайрон, бирда тўзону тўфонли кунларидан дард-чил ҳикоятлар сўйлайди. Шаҳар осмонида сокин қанот ёзган

оқ лайлақлар, Лаби Ҳовуз бўйидаги сертабассум Насриддин Афанди эса бу дунё аломатлари қошида лолу ҳайрон тургандек бўлади гўё...

Неча юз йиллардан буён дунё табибларида дарслик бўлиб келаётган “Тиб қонунлари” муаллифи Абу Али ибн Сино ҳазратлари, Султон Боязид иккинчи даврида миниатюра санъатини биринчи бўлиб Туркияга олиб кирган ўзбек санъаткори Бобо нақшошдан то академик Иброҳим Мўминов ва шоир Садриддин Салимгача бўлган яна юзлаб алломаларга бешик бўлган бу табарруқ диёр. Унинг ҳар гиёҳи, ҳар дарахти, ҳар йўлаги, ҳар нафаси очилмаган сирлар, айтилмаган алёрлар, ёзилмаган достонлар салтанати — буларни таърифлаш учун эса, эҳ-хе, неча-неча Фирдавсийлар керак!

Искандар босқинлари, Чингиз қутқуларни, арабу мўғулларнинг муҳорабалари! Бухорхудошлар, сомонийлар, шайбонийлар замонида давлат пойтахти бўлган; неча хону амирларнинг тожу тахт талашлишларидан, Оқпошшо хийла-лари, шўро макри ва қаззоб Фрунзеннинг бомбаларидан жону жаҳони вайрон Бухоро. Файзулла Ҳўжанинг кўз ёшлари, жаҳидлар чеккан қийноқлар, қиргинлардан жи-гар-багри эзилган Бухоро...



Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор шулар жумласидандир.

Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ҳар йили худудлар кесимида йўналишлар кесимида Коррақалогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, прокурорлар ва ички ишлар органлари бошқилари билан биргаликда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маъишй коррупцияга барҳам бериш, ушбу иллатга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши белгиланди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишда парламент палаталари иштирокини кенгайтиришга доир муҳим вазифалар амалиётга таъбиқ этилмоқда. Сабаби парламент — бу давлат маблаглари сарфла-нишини тасдиқловчи ва халқ номидан назорат қилувчи муҳим институт. Шу боис Олий Мажлис палаталарининг коррупцияга қарши институционал таъсири тубдан кучайтириш

бугунги кунда стратегик аҳамият касб этмоқда.

Чунки қонунчиликка мувофиқ бюджет маблаглари қайси соҳаларга кетмоқда — буни айнан парламент аъзолари тасдиқлайди. Аммо айни маблаглар самарали ва шаффоф сарфланганини, бу саволага парламент фақат ҳисобот эшитиш билан эмас, балки амалий таҳлил ва про-филантика билан ҳам жавоб бериши лозим.

Президент Фармонида парламент аъзолари ҳар йили бюджетдан энг кўп маблаг оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритиб бори-ши белгиланмоқда. Шунингдек, вазир ва ҳокимлар ла-возимига номзодлар тегиш-лича Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларида кўриб чи-қилаётганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартиб бел-гиланди. Унга кўра ҳар бир номзод “Мен раҳбар сифа-тида соҳада қандай ислохот-лар орқали коррупция ҳав-фини камайтираман?” деган саволга жавоб бериши керак бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, пар-ламентнинг қонун қабул қилиш билан бирга фаол таҳлилчи ва назоратчи орган сифатида ҳам иш олиб бориши коррупцияни институционал даражада чеклаш имконини беради. Бу орқали жамият давлат бошқарувидаги ҳисобдор-ликка ишонади, тизимда эса ҳақиқий адолат ва са-маарадорлик



ш а к л л а н а д и .

